

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ  
596/20-сонли А Ж Р И М И

2021 йил 5 январь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья: А.Жалилов,

судлов ҳайъати судьялари: М.Тургунова ва Д.Ражабовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Норқуловнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиев, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Махсудовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар [REDACTED] туман судининг 20 [REDACTED] йил [REDACTED] кунги ҳукмига кўра,

[REDACTED] 19 [REDACTED] йил [REDACTED] октябрь куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 20 [REDACTED] йил [REDACTED] октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]-моддаси [REDACTED] қисми [REDACTED] банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўлланилиб, 2 йил синов муддати белгиланган, ўталмаган синов муддати 11 ой 28 кунни ташкил қилади, Тошкент [REDACTED] тумани, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] уйда яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган [REDACTED] томонидан берилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар [REDACTED] туман судининг 20 [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрь кунги ҳукмига кўра, [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]-моддаси [REDACTED] қисми “а, в” бандлари билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 20 [REDACTED] йил [REDACTED] октябрь кунги ҳукми билан тайинланган ҳукмнинг шартлилиги бекор қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазога илгариги ҳукм билан тайинланган жазони қисман кўшиш йўли билан узил-кесил 5 йил



3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Ашёвий далил сифатида жигар ранг дастали пичоқ йўқ қилиш белгиланган.

Жабрланувчи А [ ] га жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра [ ] 20 [ ] йил [ ] сентябрь куни соат 17:00 ларда [ ] тумани, [ ] ва [ ] бозорлари ўртасида жойлашган кўприк тагида бўла туриб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, шу ердан ўтиб кетаётган фуқаро [ ] билан бир-бирларига ўзаро туртилиб кетиши оқибатида сабабсиз уришиб, безорилик оқибатида совук курул қўллаш йўли билан А [ ] ни ўнг қўл билан кафт бўғим соҳаси ва ўнг думбасига санчиб олиб, баданига ўртача тан жароҳати етказган.

Судланган [ ] шикоятда, жабрланувчи билан ярашиб олганлиги, унга моддий ва маънавий зарар қопланганлигини суд инобатга олмаганлиги билдириб, суд ҳукмини бекор қилиб янгитдан ҳукм чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Д.Ражабовнинг маърузасини, прокурор Х.Парпиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган [ ] ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Махсудовнинг апелляция шикояти важларини қаноатлантириш ҳақида берган фикрларини тинглаб, шикоят важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати биринчи босқич суди томонидан судланган [ ] ning айби, жабрланувчи [ ], гувоҳ [ ] ning кўрсатувлари, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фото жадваллар, юзлаштириш баённомаси, судга оид тиббий экспертизасининг 20 [ ] йил [ ] октябрдаги 671-Х-РУз.-сонли хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан [ ] ning жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а, в” бандлари билан тўғри квалификация қилинган ҳамда жазо тури ва миқдорини тайинлашда одиллик ҳамда инсонпарварлик принципларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига амал қилиб, [ ] ning шахсини, яъни



ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлиги учун судланиб, шартли ҳукм қилинган бўлишига қарамасдан, ўзига берилган имкониятдан фойдаланмай ва тегишли хулоса чиқармай жиноят содир этиш йўлига ўтганлигини инобатга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, [REDACTED] га илгариги ҳукм шартлилигини бекор қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинлаб тўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 36-бандида шартли ҳукм қилинган шахс томонидан синов муддати давомида янги жиноят содир этилса, суд унга ЖК 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди. Бунда суд, узил-кесил жазо тайинлашдан олдин, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномаси бор-йўклигидан қатъий назар, биринчи ҳукмнинг шартлилигини бекор қилади деб кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди адвокат А.Махсудовнинг [REDACTED] томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилган жинояти учун ЖКнинг 72-моддаси бўйича синов муддатини бекор қилинганлиги ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги, унга яна қайтадан синов муддати тайинлаш мумкинлиги ҳақида билдирган важи билан келиша олмайди.

Шунингдек, биринчи инстанцияси суди ашёвий далил тақдирини ҳамда манфаатдор тарафларга жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирган.

Бундай ҳолатда [REDACTED] га нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497<sup>11</sup>, 497<sup>13</sup>, 497<sup>16</sup>, 497<sup>18</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар [REDACTED] р туман судининг 20 [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрь кунги [REDACTED] га оид ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	(имзо)	А.Жалилов
Судлов ҳайъати судьялари:	(имзо)	М.Тургунова
	(имзо)	Д.Ражабов

Ажрим аслига тўғри:

